

Султон Муҳаммад Фотиҳнинг ўғлига васиятлари



09:00 / 10.07.2020 6060

Ўғлим! Яқин кунларда вафот этаман. Лекин афсусланмайман, чунки ортимда сендек ўғилни қолдириб кетяпман. Сен одил, солиҳ ва раҳмли бўл. Ҳеч кимни ажратма, халқингнинг ҳаммасига ҳимоянгни бирдек кенг қил. Ислон динини кенг ёйишга ҳаракат қил, чунки бу – ер юзидаги барча подшоҳларнинг зиммасига вожиб ишдир.

Динга бўлган аҳамиятингни барча нарсадан устун қўй. Унда бардавом бўлишда сусткашликка йўл қўйма. Дин ишига қайғурмайдиган, гуноҳи кабиралардан сақланмайдиган, фаҳш ишларга шўнғиб кетганларни ишга олма. Бузғунчи бидъатдан сақлан. Шунингдек, сенга бидъат ишида рози бўладиганлардан узоқда бўл. Юрт майдонини кенгайтиришга тиш-тирноғинг билан ҳаракат қил. Байтулмолнинг мулкларини талон-тарож

бўлиб кетишдан эҳтиёт қил.

Бирорта фуқароингнинг молига зинҳор ноҳақ қўл чўзма. Хожатмандларнинг таъминотини зиммангга ол. Ҳақдорларга карамли бўл. Уламолар – давлатнинг жисмига сочиб юборилган қувват маконидир. Сен уларни улуғла, уларни шижоатлантир. Ўзга юртларда бирорта уламони билсанг, уларни таклиф қилиб, мол-мулк ила икром кўрсат.

Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл! Мол-мулк ва мансаб сени зинҳор алдаб қўймасин! Уламолар эшигингдан узоқ бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл! Шариат аҳкомларига хилоф ишларга мойил бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл! Чунки дин бизнинг мақсадимиз, ҳидоят манҳажимиздир. Биз дин билан нусрат қучганмиз.

Қуйидаги қиссадан ибрат ол: «Мен бу юртга кичкина чумолидек бўлиб келган эдим. Мана, Аллоҳ таоло менга улкан неъматларни тортиқ қилди. Сен ҳам менинг изимдан юриб, менинг йўлимни тутгин!».

Сен бу диннинг қувватланиши ҳамда дин аҳлининг ҳурмати жойига қўйилиши учун хизмат қил. Давлатнинг мулкани дабдабазликка, ўйин-кулгига ёки заруратдан ортиқ миқдорда сарфлашга эҳтиёт бўл, чунки булар ҳалокатга учрашнинг энг катта сабабларидандир.

Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси